



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG'OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021-yil 12 - Mart

475u -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро                      Раҳманов                      Равшанбек  
Машарибовичга                      “Оқтепа”                      маҳалласи  
худудида жойлашган “1-қавати Савдо ва  
маиший хизмат кўрсатиш, 2-3 қаватлари  
турар жой” биносига бўлган эгалик  
хуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида яшовчи фуқаро Раҳманов Равшанбек Машарибовичнинг “Оқтепа” маҳалласи худудида жойлашган “1-қавати Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 2-3 қаватлари турар жой” биносига бўлган эгалик хуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 23 февралдаги ШЯ-Р-752-сонли аризасини, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги Хоразм вилояти Боғот туман бўлимининг 2019 йил 28 майдаги 0376-сонли рухсатномаси, Боғот туман ҳокимининг 2020 йил 23 майдаги 1195қ-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 26 февралдаги 578-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р                      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Оқтепа” маҳалласи худудида жойлашган жами 12 (ўн икки) хонадан иборат, жами ички ўлчамлари 380,48 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 168,64 квадрат метр, умумий ер майдони 200,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “1-қавати Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 2-3 қаватлари турар жой” биноси фуқаро Раҳманов Равшанбек Машарибовичга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. Фуқаро Раҳманов Равшанбек Машарибович ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “1-қавати Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 2-3 қаватлари турар жой” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев